

MODERN METHODS OF TEACHING INFORMATION TECHNOLOGIES**Xoshimov Ulug‘bek Shaxobidinovich**

Fergana for people with disabilities

Specialized vocational school

Special science teacher

Eminov Behzodbek Abdujabborovich.

Fergana for people with disabilities

Specialized vocational school

Head of the Department of Informatics and Information Technology

Axmedov Bobur-Mirza Ravshanbek o‘g‘li

Fergana for people with disabilities

Specialized vocational school

Head of the Department of General Education

Annotation: The article describes the factors of using modern methods in teaching information technology in secondary schools.

Keywords: Information, computer science, secondary education, computer, internet, content

Ахборот технологияларини ўқитишда турли меъёрий ҳужжатлар ҳукуматимиз томонидан қабул қилиниб келинмоқда. Ҳар бир давлатни келажакдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш учун таълим соҳасини ривожлантиришдан бошланади. Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган ҳар бир давлат ахборот технологиялари соҳасига катта эътибор бермоқда ва бу соҳа таълимни ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқда. Ушбу соҳанинг асоси эса таълимни қуйи босқичи, яъни умумтаълим мактабларида Информатика ва ахборот технологиялари фанидир. Ҳозирда Фарғона вилояти умумий ўрта таълим тизimini ривожлантириш мақсадида Фарғона давлат университети томонидан вилоят умумтаълим мактабларида инновацион таълим тизимини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Шу жумладан вилоятда умумтаълим мактабларида Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш сифатини ошириш мақсадида мутахассислардан иборат Информатика таълим йўналиши бўйича Педагогик таълим инновацион кластери усули вилоят кенгаши тузилди. Кенгаш томонидан Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек вилоятда ушбу тизимни амалга ошириш мақсадида университетнинг Амалий математика ва информатика кафедраси томонидан марказлашган лаборатория ташкил қилиниб ушбу лаборатория фанга тегишли муаммоларни аниқлаш ва ечимини аниқлаш устида иш олиб борилмоқда. Лаборатория университет, мактаб педагог ходимлари ва талабалар томонидан фанни ўргатишда фойдаланиш ва мустақил фойдаланиш учун дарс ишланмалари, электрон дасрликлар, вертуал лабораториялар тайёрлаш кўзда тутилган. Тизимда Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда инновацион кластер модели ушбу предметни ўқитиш жараёнини ривожлантиришдаги мақсад ва манфаатларга эга бўлган ҳар қандай тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти муҳим усул ҳисобланади. Кластер французча сўздан олинган бўлиб -панжа, -бош, -боғлам, -гуруҳ, -тўпланиш, -турғун маъноларини беради. Шу вақтга қадар умумтаълим мактабларда ва олий таълим ўртасидаги ўзаро муносабатлари ташкил этган бир қанча анъанавий моделлар ишлаб чиқилди. Мисол тариқасида олий таълим муассасалари томонида умумтаълим мактабларда таянч мактаблар ташкил этилди ва бу метод ўз самарасини бермади. Буларнинг аксарияти бир томонлама моделлар бўлиб қолди. Ўрта таълим тизимидаги интеграцион жараёнларни таҳлил қилиш натижасида Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларини ҳал

қилиш ва зарурий чора-тадбирларни амалга оширишда Информатика ва ахборот технологиялари ўқитишда Педагогик таълим инновацион кластери усули қўллашда қўйидаги ишлар режалаштирилган:

- Фарғона вилояти Информатика ва ахборот технологиялари ўқитувчилари ва тегишли ташкилотлар ходимлари кенгаши ташкил этиш;

- Намунали мактабда Марказлашган лаборатория ташил этишк;

- Кластер методи билан соҳа ходимларин таништириш (семинарлар)

- —Информатика ва ахборот технологиялари ўқитишдаги долзарб муоммолар анъанавий илмий-амалий коференциялар

- Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида фан бўйича танловлар ўтказиш

- Интернет тармоғида фаолият бўйича веб саҳифа яратиш Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари барча соҳаларни ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ташкил этилаётган умумтаълим мактабларида Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда Педагогик таълим инновацион кластери усулини қўллаш жараёнида албатта замонавий ахборот коммуникация технологиялари қўллаган бирор мақсадда эришиб бўлмайди. Ҳозирда кластур усулини қўлаш мақсадида тизимни ташкил этиш ва ишларни олиб бориш учун йўл хариталари ишлаб чиқилди. Олиб борилаётган жараёнда замонавий ахборот коммуникация техноогияларини дастурий ва техник таъминотидан фойдаланиш учун келажакда ривожлантирилиб боровчи режалари ҳам тузилди. Режада жорий этилаётган усул учун интернет тармоғида веб саҳифа яратиш кўзда тутилган. Веб саҳифа замонавий CMS (Content Management System– Контентларни Бошқариш Тизими) технологияси ёрдамида яратилиб, бу махсус web дастурда саҳифага кириш ва уларни таҳрирлаш ҳуқуқи берилган, жараёнда қатнашувчи Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси —Информатика ўқитиш методикаси кафедраси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Туман халқ таълими бўлимлари... Умумтаълим мактаблари ...41 фойдаланувчилар маълумотларни бир неча оддий босқичлардаги амалиётларни бажариш орқали тезкор киритиш имконинини беради. Шунингдек яратилаётган веб саҳифада вилоятдаги фан ўқувчилари учун форум ташкил қилиниб мавжуд муаоммоларга тегишли мавзулар юзасидан фикр он-лайн фикр алмашишлар йўлга қўйилади. Режада кўзда тутилган илмий-амалий анжуманлар материаллари электрон журнал ҳолатида веб саҳифага жойлаштирилиб борилади.

Адабиётлар

1. Рахматов А.. Жамиятни ахборотлаштириш шароитида мактаб информатика курсини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва истиқболлари //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
2. Jumaboev S. Информатика ўқитувчиларини тайёрлашда “Компютерли моделлаштириш” курсини ўқитишнинг долзарб масалалари //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
3. Karimova N. Собирова Наргиза Равшанбек кизи Информатика фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш //Архив исследований. – 2021.